

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.В.52.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**
ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАЛИМОВ ФАЗЛИТДИН ЗАКИРОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАРКАЗИЙ ВА ЖАНУБИЙ ҲУДУДЛАРИ
ВИЗИДОҚ ҚЎНҒИЗЛАРИ (COLEOPTERA: CARABIDAE)
БИОХИЛМА-ХИЛЛИГИ ВА ЭКОЛОГИЯСИ**

03.00.06 – Зоология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2025

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Content of dissertation abstract of doctor of sciences (DSc)

Халимов Фазлитдин Закирович

Ўзбекистоннинг марказий ва жанубий ҳудудлари визилдоқ қўнғизлари
(Coleoptera: Carabidae) биохилма-хиллиги ва экологияси..... 3

Халимов Фазлитдин Закирович

Биоразнообразие и экология жужелиц (Coleoptera: Carabidae)
центральных и южных регионов Узбекистана..... 29

Khalimov Fazlitdin Zakirovich

Biodiversity and ecology of ground beetles (Coleoptera: Carabidae) in the
central and southern regions of Uzbekistan..... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 59

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.В.52.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАЛИМОВ ФАЗЛИТДИН ЗАКИРОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАРКАЗИЙ ВА ЖАНУБИЙ ҲУДУДЛАРИ
ВИЗИДОҚ ҚЎНҒИЗЛАРИ (COLEOPTERA: CARABIDAE)
БИОХИЛМА-ХИЛЛИГИ ВА ЭКОЛОГИЯСИ**

03.00.06 – Зоология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2025

Биология фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2024.4.DSc/B228 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Гулистон давлат университетларида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш вебсаҳифаси (www.izoology.uz) ҳамда «Ziyounet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий консультант:

Патилон Абдуваев

биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Медетов Махсетбай Жапакевич

биология фанлари доктори, профессор

Хусанов Алижон Каримович

биология фанлари доктори, профессор

Зокиров Исломжон Илхомжонович

биология фанлари доктори, профессор

Етақчи ташкилот:

Ўзбекистон миллий университети

Диссертация химояси Зоология институти хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02/30.12.2019.B.52.01 рақамли илмий кенгаш кенгашнинг 2025 йил «29» август соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100053, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси 232б-уй. Зоология институти мажлислар зали. Тел.: (+998) 71-289-04-65; E-mail: zoology@academy.uz).

Диссертация билан Зоология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 1730-AR рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100053, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси 232б-уй. Тел.: (+998) 71-289-04-65.

Диссертация автореферати 2025 йил «01» август куни тарқатилди. (2025 йил «01» августдаги 9-рақамли реестр баённомаси).



Б.Р. Холматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, б.ф.д., профессор

Г.С. Мирзаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, б.ф.д., профессор

А.Э. Кучбоев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё миқёсида биологик хилма-хилликнинг камбағаллашуви энг йирик экологик муаммолардан биридир. Глобал иқлим ўзгаришлари, кишлоқ хўжалик майдонларига кимёвий ишлов бериш, чорва ҳайвонларининг тартибсиз боқилиши, рекреацион зўриқиш, йирик ҳажмдаги қурилиш иншоотлари табиий экосистемалар дегредациясига ва биологик хилма-хилликнинг қисқаришига сабаб бўлмоқда. Экосистемалар ҳолатини ва биохилма-хилликнинг ўзгаришларини мониторинглаш ўз навбатида флора ва фауна ҳақида чуқур билимларни талаб этади. Бундай билимларни қўлга киритишнинг муҳим қадами муайян ҳудуддаги аниқ таксонлар хилма-хиллигини комплекс баҳолашдан иборат. Қаттиққанотлилар ёки қўнғизлар ҳашаротларнинг турлар сони бўйича энг катта гуруҳи бўлиб, барча экосистемаларда биологик хилма-хилликнинг асосий компоненти ҳисобланади. Шунга кўра, турли экосистемаларда тур таркиби ва хилма-хиллиги билан олдинги ўринда турадиган визилдоқ қўнғизларнинг таксономик таркибини, экологик ва зоогеографик тавсифини аниқлаш, уларни муҳофаза қилиш бўйича чора-тадбирларини ишлаб чиқиш муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Жаҳонда қаттиққанотли ҳашаротларнинг хилма-хиллиги, алоҳида ҳудудлар фаунаси ва унинг хусусиятлари, глобал иқлим ўзгаришлари таъсирида ҳашаротлар биохилма-хиллигида юзага келаётган ўзгаришларни баҳолаш бўйича жадал илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, айниқса, визилдоқ қўнғизларнинг турли ҳудудлар ва биотоплар бўйича тур таркибини аниқлаш, таксономик хилма-хиллигини баҳолаш, табиий ва антропоген таъсирлар натижасида юзага чиқаётган ўзгаришларни аниқлаш, визилдоқ қўнғизлардан экосистемалар ҳолатини мониторинглаш, ноёб ва кам сонли турларини аниқлаш ва уларни муҳофаза қилиш, визилдоқ қўнғизларнинг агроландшафтларда зараркунанда ва бегона ўтлар сонини камайтиришдаги самарадорлигини аниқлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикада ҳашаротларнинг, шу жумладан қаттиққанотли ҳашаротлар хилма-хиллигини баҳолаш, энтомофаунанинг ўзгариш сабабларини аниқлаш ва уни мониторинглаш, фойдали, ноёб ва камайиб бораётган турларини аниқлаш ҳамда уларни муҳофаза қилишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада, жумладан, алоҳида ҳудудларнинг энтомофаунаси хилма-хиллигини баҳолаш, энтомофаунага глобал иқлим ўзгаришлари таъсирини аниқлаш, алоҳида қўриқланадиган ҳудудлардаги биохилма-хилликни баҳолаш борасида муайян натижаларга эришилмоқда. «ЎЗБЕКИСТОН - 2030» стратегиясида¹ «... биологик хилма-хиллик ишончли сақланишини таъминлаш юзасидан муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар майдонини кенгайтириш, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси объектларидан

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон «ЎЗБЕКИСТОН - 2030» стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

ноқонуний фойдаланиш устидан назоратни кучайтириш, биологик хилма-хилликка нисбатан аҳолининг экологик маданияти ва хабардорлиги даражасини ошириш» каби вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда Республикамизнинг турли минтақаларида, айниқса, махсус кўрикланадиган ҳудудлар ва глобал иқлим ўзгаришларидан жиддий зарар кўраётган чўл биотопларида визилдоқ кўнғизлар хилма-хиллигини баҳолаш, улар фаунасида юзага келаётган ўзгаришларни мониторинглаш, ноёб ва камайиб бораётган, эндемик турларини аниқлаш ҳамда уларни муҳофаза қилишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026-йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги, 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон «ЎЗБЕКИСТОН - 2030» стратегияси тўғрисида» ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 ноябрдаги 914-сон “Ҳайвонот ва ўсимлик дунёси объектларининг давлат ҳисобини, улардан фойдаланиш ҳажмлари ҳисобини ва давлат кадастрини юритиш тўғрисида”ги ва 2019 йил 11 июндаги 484-сон “2019-2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида биологик хилма-хилликни сақлаш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мос келиши. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи². Визилдоқ кўнғизлар оиласининг систематикаси, фаунистик таҳлили, биоэкологик хусусиятлари, морфологияси, тарқалиши, популяцияларидаги ўзгаришлар, визилдоқ кўнғизларнинг экологик мониторингдаги аҳамияти, агроценозларда зараркунанда ҳашаротлар сонини бошқаришдаги самарадорлиги ва улардан энтомофаг сифатида фойдаланиш имкониятлари, бегона ўтларга қарши курашда визилдоқ кўнғизларнинг аҳамияти, ноёб ва камайиб бораётган турларини аниқлаш ва муҳофаза қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Fujian Agriculture and Forestry University (China), Liverpool John Moores University (UK), Pennsylvania State University (USA), Daugavpils University (Latvia), University of Agriculture in Krakow (Poland), Finnish Forest Research Institute (Finland), ВИЗР (Россия), Зоология институти (Россия), Москва давлат университетиде (Россия) олиб борилмоқда.

²Диссертациянинг мавзуси бўйича илмий тадқиқотлар шарҳи <http://www.works.doklad.ru>, <https://www.scimagojr.com/journalrank.php>, www.dissercat.com, www.researchgate.com, <http://www.fundamental-research.ru>, www.webofscience.com, <https://scholar.google.com/> ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

Визилдоқ кўнғизларнинг таксономияси, экологияси, биохилма-хиллиги, тарқалиши, қишлоқ хўжалиги майдонларида энтомофаг сифатидаги аҳамияти ҳамда улардан экологик мониторингда фойдаланиш масалаларига оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: визилдоқ кўнғизлар фаунасининг антропоген таъсирлар натижасида ўзгариш хусусиятлари аниқланган (Fujian Agriculture and Forestry University, China), агроландшафтларда зараркунанда ҳашаротларга қарши курашдаги самарадорлиги аниқланган (Liverpool John Moores University, UK), визилдоқ кўнғизлардан экосистемалар ҳолати, постиндустриал ҳудудларнинг тикланиш жараёнини мониторинглашда фойдаланиш усуллари ишлаб чиқилган (University of Agriculture in Krakow, Poland), визилдоқ кўнғизларнинг дунё бўйлаб тарқалиши ва биохилма-хиллиги базаси яратилган (Daugavpils University, Latvia), визилдоқ кўнғизлар систематикаси ва унда молекуляр генетик таҳлилларни қўллаш услублари такомиллаштирилган (Bellevue University, USA; Zoological Research Museum Alexander Koenig, Germany; Zoologiya instituti, Rossiya), визилдоқ кўнғизлар систематик белгиларининг ўзгарувчанлиги ва Марказий Осиёда тарқалган турларнинг хусусиятлари аниқланган (ВИЗР, Россия), антропоген босимнинг визилдоқ кўнғизлар тана ўлчамларига таъсири аниқланган (Institute of Biodiversity and Ecosystem Research, Bulgaria; Academy of Sciences of Tataristan, Russia).

Дунёда визилдоқ кўнғизларни ўрганиш бўйича ҳозирги кунда қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда жумладан, визилдоқ кўнғизлар биохилма-хиллигини баҳолаш, визилдоқ кўнғизларнинг филогенетик алоқаларини молекуляр генетик усуллар орқали аниқлаштириш ҳамда ДНК штрих-код базасини кенгайтириш, визилдоқ кўнғизлардан антропоген ландшафтлар ҳолатини баҳолашда ва глобал иқлим исиши натижасида юзага келаётган ўзгаришларни мониторинглашда фойдаланишнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш, визилдоқ кўнғизларни агроценозларга жалб этиш ва уларнинг зараркунанда ҳашаротларга қарши курашдаги самарадорлигини ошириш усулларини яратиш, визилдоқ кўнғизларга салбий таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш ва фауна хилма-хиллигини сақлаб қолиш муаммоларини ҳал этиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Визилдоқ кўнғизлар фаунаси, таксономияси ва экологиясини ўрганиш, уларнинг агроландшафтлардаги ва экологик мониторингдаги аҳамиятини очиб бериш билан боғлиқ илмий тадқиқотлар хорижлик олимлар: Н.У. Thiele (1977), И.Х. Шарова (1981, 1987), J.F. Lawrence ва A.F. Newton (1995), J.R. Bell ва бош. (2010), O.G. Guseva (2014), P. Bouchard ва бош. (2011, 2020), A. Rouabah ва бош. (2014), S.L. Ball (2015), S. Kulkarni ва бош. (2017), R. Kędzior (2018), I. I. Kabak ва H.B. Liang (2021), A. Vasilikopoulos (2021), G. Pozsgai (2022), B. Kataev (2023) ва бошқа олимлар томонидан олиб борилган.

Марказий Осиё визилдоқ кўнғизларни ўрганишга қаратилган тадқиқотлар О.Л. Крыжановский (1953, 1965), К.В. Арнольди (1969), Ю.Р. Данияров (1984), В.И. Чикатунов (1981), И.Х. Рахматов (1984), Т.Н.

Верещагина (1988), Р.Х. Кадырбеков (1990), В.А. Михайлов (1995, 1998), I.I. Kabak (2008, 2015), S. A. Jasim (2024) ва бошқа олимлар томонидан ўтказилган.

Ўзбекистон визилдоқ қўнғизларининг тур таркиби, агроценозлардаги аҳамиятига оид маълумотлар Р.А. Алимжонов ва С.Г. Бронштейн (1956), А.Г. Давлетшина ва бош. (1979), А. Дадамирзаев (1978, 1982, 1988), Б.П. Адашкевич, Б.Т. Шукуралиев (1990), З.К.Бекметова (1988, 1991), А.В. Крейсберг (2004), А.Й. Эшмуратов ва бош. (2021), Қ.Б. Раззақов (2021) ишларида келтирилган.

Бирок, юқорида келтирилган тадқиқот натижалари Марказий ва Жанубий Ўзбекистон карабидофаунасининг таксономик таркиби, эколого-фаунистик хусусиятлари, тарқалиши ҳақида тўлиқ маълумот бера олмайди. Шу сабабли, Ўзбекистоннинг марказий ва жанубий ҳудудлари карабидофаунасининг замонавий ҳолатини баҳолаш, биохилма-хиллиги ва таксономик структурасини аниқлаш, зоогеографик таҳлилдан ўтказиш, турли биотоплар бўйича тарқалиш қонуниятларини очиб бериш муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Гулистон давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Ўзбекистон ва унга туташ бўлган ҳудудлардаги куруқлик ҳайвонлари ва уларнинг биологияси” (2019-2024 йй.) мавзусидаги илмий тадқиқот дастури доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Ўзбекистоннинг марказий ва жанубий ҳудудларида тарқалган визилдоқ қўнғизларнинг тур таркиби, таксономик тузилмаси, зоогеографик тавсифи ва экологик хусусиятларини очиб бериш, камайиб бораётган ва ноёб турларини аниқлаш ҳамда уларни муҳофаза қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Марказий ва Жанубий Ўзбекистон визилдоқ қўнғизларининг тур таркиби ва таксономик тузилмасини аниқлаш;

визилдоқ қўнғизлар фаунасини зоогеографик таҳлилдан ўтказиш;

Зарафшон тизмаси мисолида тоғли ҳудудлар карабидофаунасининг хусусиятларини очиб бериш;

Марказий ва Жанубий Ўзбекистон чўл биотоплари карабидофаунасининг хусусиятларини аниқлаш;

алоҳида қўриқланадиган ҳудудлар (Нурота ва Ҳисор қўриқхоналари) карабидофаунасининг хилма-хиллигини баҳолаш;

ўрганилган ҳудудлар карабидофаунасини қиёсий таҳлилдан ўтказиш;

карабидофаунасининг ноёб ва камайиб бораётган турларини аниқлаш, улар популяцияларининг замонавий ҳолатини баҳолаш ва уларни муҳофаза қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

аниқланган айрим эндемик турларни молекуляр-генетик жиҳатдан таҳлил қилиш, ДНК штрих-кодини тузиш ва филогенетик алоқаларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг обекти сифатида Ўзбекистоннинг марказий ва жанубий ҳудудларида тарқалган, Coleoptera туркуми, Carabidae оиласига мансуб ҳашаротлар олинган.

Тадқиқотнинг предметини Ўзбекистоннинг марказий ва жанубий ҳудудларида тарқалган визилдоқ кўнғизларнинг фаунаси, таксономияси, биохилма-хиллиги, молекуляр генетик таҳлили ва экологик хусусиятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация тадқиқотларини амалга оширишда энтомологик, колеоптерологик, молекуляр-генетик, экологик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

Марказий ва Жанубий Ўзбекистон визилдоқ кўнғизларининг замонавий ҳолати таҳлил қилиниб, 12 та кенжа оила, 27 та триба, 77 та авлодга мансуб 260 та тур ва кенжа турлар аниқланган;

Scarites subcylindricus Chaudoir, 1843, *Clivina collaris* Herbst, 1784 ва *Syntomus obscuroguttatus* (Duftschmid, 1812) турлари Ўзбекистон фаунаси учун илк маротаба аниқланган;

визилдоқ кўнғизлар фаунаси зоогеографик таҳлилидан ўтказилиб, хорологик структураси очиб берилган;

Марказий ва Жанубий Ўзбекистон 5 микроҳудудга ажратилиб, илк бор Зарафшон тизмаси, Қуйи Зарафшон географик округи, Ҳисор кўриқхонаси ва Жанубий Ўзбекистоннинг чўл ҳудудлари карабидофаунасининг тур таркиби аниқланган ва экологик-фаунистик хусусиятлари очиб берилган, Нурота кўриқхонаси карабидофаунаси рўйхати 27 та турга кенгайтирилган;

Микроҳудудлар карабидофаунаси қиёсий баҳоланган ва фарқли жиҳатлари очиб берилган. Марказий Ўзбекистон чўл ҳудудлари карабидофаунасининг бошқа ҳудудлардан кўпроқ алоҳидалашганлиги ва ўзига хослиги, Зарафшон тизмаси ва Ҳисор кўриқхонаси карабидофаунаси бир-бирига ўхшашлиги исботланган;

визилдоқ кўнғизларнинг ноёб ва кам сонли турлари аниқланган, 6 та тур (*Carabus fedtschenkoi* Solsky, 1874, *C. staudingeri* Ganglbauer, 1886, *Taphoxenus goliath* Faldermann, 1836, *Brachinus bayardi* Dejean, 1831, *Chilotomus usgentensis* Schauberger, 1932 ва *Chlaenius circumscriptus* (Duftschmid, 1812)) популяцияларининг ҳолати баҳоланган ва Республика “Қизил китоб”га киритиш бўйича тавсиялар ҳамда муҳофаза қилиш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Республика “Қизил китоб”га киритилган *Anthia mannerheimi* Chaudoir 1842, *Callisthenes glasunovi* (Semenov, 1900) ва *Carabus sogdianus* Semenov 1898 турларининг “Қизил китоб”даги мақомини ўзгартириш зарурлиги асосланган;

4 та эндемик тур (*Chilotomus usgentensis*, *Machozetus consinnus* Daohrn, 1885, *Eocaraterus chodshenticus* Ballion, 1871 ва *Scarites bucida* Pallas, 1776) илк бор молекуляр-генетикаси асосида цитохромоксидаза генининг CO1 соҳаси

нуклеотидлар кетма-кетлиги аниқланган ва ушбу турларнинг филогенетик ўрни очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

Марказий ва Жанубий Ўзбекистон визилдоқ қўнғизларининг биохилма-хиллигини акс эттирувчи 210 турга мансуб 4000 нусхадан иборат коллекция намуналари яратилган.

Визилдоқ қўнғизларнинг ноёб ва кам сонли турлари аниқланган ҳамда уларнинг 6 та турини Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоб”ига киритиш бўйича тавсиялар ҳамда муҳофаза қилиш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

Марказий Осиёнинг эндемик турлари ҳисобланган *Chilotomus usgentensis*, *Machozetus consinnus*, *Eocaraterus chodshenticus* ва *Scarites bucida* турларининг COI гени нуклеотидлар кетма-кетлиги аниқланиб, генбанк маълумотлар базасига жойлаштирилган ҳамда ушбу турларнинг идентификацияси учун манба яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган энтомология соҳаларидаги классик ва замонавий усул ва ёндошувлар асосида олинган натижаларнинг назарий маълумотларга мос келиши, фаунистик маълумотларнинг замонавий дастурлар асосида статистик таҳлилдан ўтказилганлиги, олинган натижаларнинг нуфузли нашрларда чоп этилганлиги ҳамда турларнинг тўғри аниқланганлиги етакчи хорижий мутахассислар томонидан тасдиқланганлиги, амалий натижаларнинг ваколатли давлат ва халқаро ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги ҳамда амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Марказий ва Жанубий Ўзбекистон визилдоқ қўнғизлари комплекс таҳлил қилиниб, турлар таркиби аниқланганлиги, таксономик ва экологик структураси, ҳудудлар бўйлаб тарқалиш хусусиятлари баҳоланганлиги, Ўзбекистон фаунаси учун янги турлар қайд қилинганлиги, визилдоқ қўнғизлар фаунасида юзага келаётган ўзгаришлар мониторинг қилинганлиги, ноёб ва камайиб бораётган турлар аниқланганлиги ва эндемик турларнинг молекуляр-генетик таҳлилдан ўтказилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қайд этилган янги турларнинг Ўзбекистон фаунаси рўйхатини бойитиши, 6 та турнинг Республика “Қизил китоби” га киритиш зарурияти очиб берилганлиги, махсус қўриқланадиган ҳудудлар карабидофаунасининг биохилма-хиллиги аниқланганлиги, эндемик турлар идентификацияси учун манба яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистоннинг марказий ва жанубий ҳудудлари визилдоқ қўнғизлари биохилма-хиллиги ва экологияси юзасидан олинган илмий натижалар асосида:

Марказий ва Жанубий Ўзбекистон визилдоқ қўнғизлари фаунасининг хилма-хиллиги, таксономик структураси, экологияси, зоогеографияси,

камайиб бораётган турлари акс эттирувчи коллекция Самарқанд вилоят Ўлкашунослик музейи фаолиятига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлигининг 2022 йил 30 сентябрдаги 04-18/5338-сон маълумотномаси). Натижада, музей умуртқасиз ҳайвонлар коллекциясининг турлар хилма-хиллигини 20 % га бойитиш имконини берган;

визилдоқ қўнғизларнинг биохилма-хиллиги, таксономик таркиби, тарқалиши ва экологик хусусиятлари ҳақидаги маълумотлар Россия фанлар академияси Сибир бўлими “Ҳайвонлар систематикаси ва экологияси” институти (ИСиЭЖ СО РАН) Зоология музейи фаолиятига жорий қилинган (Россия фанлар академияси Сибир бўлими “Ҳайвонлар систематикаси ва экологияси” институтининг 2023 йил 19 апрелдаги маълумотномаси). Натижада, музей экспонатлари қаторига киритилган 70 тур ва 150 нусхадаги коллекция регионал фауна хилма-хиллигини баҳолаш ва турларнинг тарқалиш хусусиятларини аниқлаш имконини берган;

молекуляр-генетик тадқиқотлар натижасида Марказий Осиё эндемик турларининг мДНК (COI) соҳаси нуклеотидлар кетма-кетлиги бўйича олинган маълумотлар Биотехнологик ахборотлар миллий маркази (NCBI) базасига жойлаштирилган (Биотехнологик ахборотлар миллий марказининг 2024 йил 14-февралдаги маълумотномаси). Натижада, *Chilotomus usgentensis* тури учун - PP333629, *Machozetus consinnus* тури учун - PP337088, PP337089; *Eocarterus chodshenticus* тури учун - PP337090, PP337091, PP337092, *Scarites bucida* тури учун - PP337087 идентификация рақамлари олинган ва улар халқаро миқёсда турларни аниқлаш ва филогениясини ўрганиш имконини берган;

тадқиқот натижалари асосида чоп қилинган илмий мақолаларга импакт-фактори 0,5 дан юқори бўлган ва халқаро тизимга кирган Forests, Diversity, Data, Archives of Insect Biochemistry and Physiology, Sabrao Journal of Breeding and Genetics, Biodiversitas, Brazilian Journal of Biology ва Acta Biologica Sibirica журналларидаги мақолаларда ҳаволалар келтирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар Вазирлигининг 2024 йил 24 апрелдаги 04/17-1135-сон маълумотномаси). Натижада, хорижий ва маҳаллий мутахассисларга Ўзбекистоннинг визилдоқ қўнғизлари фаунаси ҳақида маълумотлар олиш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 17 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 40 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 19 та мақола, жумладан, 11 та республика ва 8 та хорижий журналларда, 19 та тезис хорижий ва маҳаллий конференцияларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 208 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, услублари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Визилдоқ қўнғизлар (Carabidae) нинг умумий тавсифи ва ўрганилиш тарихи”** деб номланган биринчи боби икки бўлимдан иборат. Биринчи бўлим визилдоқ қўнғизларнинг умумий тавсифи ва хўжаликдаги аҳамиятига оид манбалар таҳлиliga бағишланган. Бўлим учта кичик бўлимлардан иборат бўлиб, биринчи кичик бўлимда Carabidae оиласининг замонавий системаси ва унинг муаммоларига, иккинчи кичик бўлимда визилдоқ қўнғизлардан экологик мониторингда фойдаланишга, учинчи кичик бўлим эса ушбу гуруҳ қўнғизларнинг агроландшафтлардаги аҳамиятига оид маълумотлар келтирилган. Бобнинг иккинчи бўлимида визилдоқ қўнғизларни ўрганиш бўйича Марказий Осиёда, жумладан Ўзбекистон Республикасида олиб борилган тадқиқотлар ёритилган ва мавжуд муаммолар очиб берилган.


Диссертациянинг **“Ўзбекистоннинг марказий ва жанубий ҳудудлари визилдоқ қўнғизлари биохилма-хиллиги ва экологиясини ўрганиш услублари ва материаллари”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотлар ўтказилган ҳудудлар ва қўлланилган услублар ҳақида маълумот келтирилган.

Тадқиқотлар 2010-2024 йиллар давомида Ўзбекистон Республикасининг Жиззах, Самарқанд, Навоий, Бухоро, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари ҳудудларида олиб борилган (1-расм).

Ҳашаротларни йиғиш учун тупроқ банка тутқичлари, тупроқ казилмалари, ёруғлик тутқичлар, эксгаустер ва қўл билан териш услубларидан фойдаланилган. Ҳашаротларни жонсизлантириш учун этилацетат эритмасидан фойдаланилган. Ҳашаротларни тур даражасида идентификация қилиш ишлари СамДУ Зоология кафедраси, Россия ФА Ҳайвонлар систематикаси ва экологияси институти (Новосибирск, Россия, Р.Ю.Дудко), Бутунроссия ўсимликларни химоя қилиш институти (Санкт-Петербург, Россия, И.И.Кабак) ходимлари билан ҳамкорликда амалга оширилган.

Турлар доминантлик статусини аниқлашда Ренконеннинг (1944) мўллик шкаласидан фойдаланилган. Турларнинг зоогеографик мақомини тавсифлашда ареал типларининг классификацияси О.Л.Крыжановский (1965)

ва В.А.Михайлов (1998) тизимлари асосида амалга оширилган. Турларнинг дунё бўйлаб тарқалиши ҳақидаги маълумотлар “Палеарктика қаттиққанотлилари каталоги (Löbl, Löbl, 2017) ва “*CarabCat Database*” халқаро базаси маълумотлари асосида келтирилган.



1-расм. Тадқиқот ҳудуди (♦ -маршрут тадқиқот нуқталари, ★-стационар тадқиқот нуқталари)


Молекуляр-генетик тадқиқотлар ДНК ажратиш, полимераза занжирли реакция (ПЗР) - амплификация ва агароза гелида электрофорез усуллари асосида, ДНКни секвинлаш DNA Analyzer ABI3730xl (Applied Biosystems, Foster City, Ca, USA) секвинаторида амалга оширилган.

Статистик ҳисоб-китоблар, фауналар ўхшашлигини ифодаловчи дендрограммалар MS Excel-2010, ҳамда PAST 4.0 ва MEGA 11 дастурида амалга оширилган.

Диссертациянинг “**Марказий ва Жанубий Ўзбекистон визилдоқ кўнғизларнинг таксономик таркиби**” деб номланган учинчи боби икки бўлимдан иборат бўлиб, биринчи бўлимда тадқиқот ҳудуди визилдоқ кўнғизларининг систематик рўйхати келтирилади, аниқланган турларнинг таксономик ҳолати, зоогеографик мақоми ва тарқалишига оид маълумотлар берилган. Ўзбекистоннинг марказий ва жанубий ҳудудлари визилдоқ кўнғизлари фаунаси 12 та кенжа оила, 27 та триба ва 77 та авлодга мансуб

255 та турдан, кенжа турлар билан ҳисобланганда 260 турдан иборатлиги аниқланди. Аниқланган турлардан 3 таси: *Scarites subcylindricus* Chaudoir, 1843, *Clivina collaris* Herbst, 1784 ва *Syntomus obscuroguttatus* (Duftschmid, 1812) турлари Ўзбекистон Республикаси фаунаси учун илк мартаба қайд қилинган.


Бобнинг иккинчи бўлимида Марказий ва Жанубий Ўзбекистон визилдоқ кўнғизлари фаунасининг таксономик тавсифи берилган. Карабидофаунани ташкил этадиган 260 тур визилдоқ кўнғизлар Carabidae оиласининг 12 та кенжа оиласига мансубдир. Карабидофауна хилма-хиллигидаги ҳиссаси бўйича Harpalinae кенжа оиласи яққол устунликка эга ва карабидофаунанинг 56 % ини (144 тур) ташкил этади (2-расм). Кейинги ўринларда Trechinae (56 тур, 22%) ва Scaritinae (17 тур, 7%) кенжа оилалари жойлашади. Бу учта кенжа оила вакиллари биргаликда ҳудуд карабидофаунасининг 85% ини ташкил этади.



2-расм. Марказий ва Жанубий Ўзбекистон карабидофаунасида турли кенжа оилаларнинг ҳиссаси

Умуман олганда, тадқиқот ҳудуди карабидофаунасида кенжа оилаларнинг ҳиссаси куйидаги кетма-кетликда камайиб боради: Harpalinae → Trechinae → Scaritinae → Cicindelinae → Carabinae → Brachininae → Nebrinae, Broscinae → Omophroninae → Anthiinae, Siagoninae, Melaeninae.

Аниқланган трибалар ва авлодларнинг кенжа оилалар бўйича тақсимланишида ҳам юқоридаги ҳолат кузатилади. Harpalinae кенжа оиласи трибалар сони жиҳатидан ҳам, авлодлар сони жиҳатидан ҳам етакчилик қилади (10 та триба, 50 та авлод) (3-расм). Trechinae ва Scaritinae кенжа оилалари 3 тадан триба вакилларига эга. Лекин авлодлар сони бўйича етакчи кенжа оилалар куйидаги тартибда жойлашади: Harpalinae → Trechinae → Cicindelinae → Scaritinae, Carabinae.



3-расм. Трибалар (А) ва авлодларнинг (В) нинг кенжа оилалар бўйича тақсимланиши

Аниқланган турлар 27 та трибага мансуб бўлиб, трибалар орасида турларининг хилма-хиллиги бўйича *Vembidiini* трибаси етакчилик қилади. Ушбу триба вакиллари барча визилдоқ кўнғизларнинг 19,38 % ини (50 тур) ташкил этади (1-жадвал).

Тадқиқот ҳудудида тарқалган визилдоқ кўнғизлар *Carabidae* оиласининг 77 та авлоди вакиллари дир. Турлар хилма-хиллиги бўйича *Bembidion* авлоди яққол устунликка эга ва барча турларнинг 14 % ини бирлаштиради (36 тур). Кейинги ўринларда *Amara* (13 тур, 5%), *Chlaenius*, *Harpalus* ва *Poecilus* авлодлари (ҳар бири 11 турдан, 4,3 % дан) туради.

Авлодларнинг ҳудуд учун таксономик тўлиқлик даражаси (ТТД) да кескин фарқлар мавжуд. *Carenochyrus*, *Daer*, *Liochirus* ва *Machozetus* авлодлар ТТД бўйича 100% кўрсаткичга эга. Умуман, жаҳон фаунасида *Carenochyrus*, *Daer* ва *Liochirus* авлодлари фақат биттадан турга, *Machozetus* авлоди эса 2 та турга эга. Бу турларнинг барчаси тадқиқот ҳудудида қайд қилинган. Энг паст ТТД кўрсаткичлари *Trechus* (0,1%), *Carabus* (0,14%), *Laemostenus* (0,32%), *Nebria* (0,39%), *Clivina* (0,42%) ва *Pterostichus* (0,42%) авлодларига тегишли бўлди.

Диссертациянинг “Марказий ва Жанубий Ўзбекистон визилдоқ кўнғизларининг зоогеографик тавсифи” деб номланган тўртинчи бобида визилдоқ кўнғизларнинг ареали бўйича таснифи келтирилган. Ўзбекистоннинг марказий ва жанубий ҳудудларида тарқалган визилдоқ кўнғизларни тарқалиш ареаллари типига кўра 5 та йирик (турлар комплекси) ва 19 та кичик зоогеографик гуруҳларга ажратиш мумкин.

Карабидофаунанинг асосий қисми Марказий Осиё ва Туркистон турлари ҳамда Қадимий Ўрта Ер зоогеографик комплексларига тўғри келади (4-расм).

Ареали Палеарктикадан ташқарига чиқадиган турлар комплекси ҳудуд карабидофаунасида 13 та турга эга 2 та гуруҳдан иборат: Голарктик турлар - 6 та, Палетропик турлар - 7 та.

1 -жадвал


Визилдоқ қўнғизлар турлари ва авлодларининг трибалар ва кенжа оилалар бўйича тақсимланиши

Кенжа оила	Трибалар	Авлодлар сони	Турлар сони
Nebriinae	Nebriini	1	3
	Notiophilini	1	1
Anthiinae	Anthiini	1	1
Cicindelinae	Cicindelini	3	11
	Megacephalini	1	1
Omophroninae	Omophronini	1	2
Carabinae	Carabini	2	9
Brachininae	Brachinini	2	6
Siagoninae	Siagonini	1	1
Scaritinae	Scaritini	1	8
	Dyschiriini	1	7
	Clivinini	1	3
Melaeninae	Cymbionotini	1	1
Broscinae	Broscini	2	4
Trechinae Pogonini	Bembidiini	4	50
	Pogonini	2	3
	Trechini	2	3
Harpalinae	Chlaeniini	1	11
	Harpalini	19	47
	Lebiini	13	35
	Licinini	2	2
	Oodini	1	1
	Platynini	2	7
	Pterostichini	2	16
	Sphodrini	6	11
	Zabrini	2	14
Zuphiini	2	2	
Жами: 12	27	77	260

Бореал палеарктик турлар комплекси худуд карабидофаунасида 44 та турга эга ва уларни 3 та гуруҳга ажратиш мумкин. Транспалеарктик турлар 29 та бўлиб, худуд карабидофаунасининг 11,2% ини ташкил этади. Ғарбий-палеоарктик турлар 12 турдан иборат ва карабидофаунасининг 4,6 % ини ташкил этади. Европа-Сибир турлари 3 та турдан иборат ва карабидофаунасининг 1,2 % ини ташкил этади.

Қадимий Ўрта Ер зоогеографик комплекси худуд карабидофаунасининг 36 % ини ташкил этади (94 та тур). Бу турларни ареалининг жойлашиши ва кенглигига қараб 6 та гуруҳга ажратиш мумкин. Кенг Ўрта Ер денгизи турлари 18 та турдан иборат ва улар худуд карабидофаунасининг 6,9% ини, Европа-Ўрта Ер денгизи турлари 16 турдан иборат ва карабидофаунасининг 6,2

% ини, Шарқий-Ўрта Ер денгизи турлари 25 турни ўз ичига олади ва карабидофаунанинг 9,6% ини, Дашт турлари зоогеографик гуруҳи 24 турдан иборат ва улар ҳудуд карабидофаунасининг 9,2% ини, Эрон-Турон турлари тадқиқот ҳудудида тарқалган 10 та турни ўз ичига олади ва карабидофаунанинг 3,8% ини ташкил этади. Европа турлари гуруҳиэса тадқиқот ҳудудида фақатгина битта турга эга (*Bembidion laticolle*).




4-расм. Асосий зоогеографик комплексларнинг карабидофаунаги хиссаси. Шартли қисқартмалар: КП – космополит, ареали Палеарктикадан ташқарига чиқадиган турлар комплекси; БП - бореал палеарктик турлар комплекси; ҚЎ - Қадимий Ўрта Ер зоогеографик комплекси; МТ - Марказий Осиё ва Туркистон турлари комплекси; ШО - Шарқий Осиё турлари комплекси.

Марказий Осиё ва Туркистон турлари комплекси ҳудуд карабидофаунасининг асосини ташкил этади (108 тур, карабидофаунанинг 42%и). Ушбу комплекс вакиллари ареал типига кўра 7 та гуруҳга ажратиш мумкин. Марказий Осиё турлари 17 турни ўз ичига олади ва улар ҳудуд карабидофаунасининг 6,54% ини, Туркистон турлари 29 та турни бирлаштиради ва ҳудуд карабидофаунасининг 11,2% ини, Турон турлари 21 та турни бирлаштиради ва ҳудуд карабидофаунасининг 8,1% ини, Ҳисор-Олой-Тян-Шан турлари тадқиқот ҳудудида 8 та турдан иборат ва ҳудуд карабидофаунасининг 3,1% ини, Ҳисор-Олой турлари гуруҳи 5 та турдан иборат ва улар ҳудуд карабидофаунасининг 1,9% ини, Ҳисор-Дарвоз турлари 7 та турдан иборат ва улар ҳудуд карабидофаунасининг 2,7% ини, локал эндемик турлар гуруҳи эса 19 та турдан иборат ва улар ҳудуд карабидофаунасининг 7,3% ини ташкил этади.

Шарқий Осиё турлари комплекси тадқиқот ҳудудида фақатгина битта турга (*Cylindera elisae*) эга ва карабидофаунанинг 0,4% ини ташкил этади.

Диссертациянинг бешинчи боби “**Марказий ва Жанубий Ўзбекистон айрим ҳудудлари визилдоқ қўнғизларининг экологик-фаунистик тавсифи**” деб номланган ва у 6 та бўлимдан иборат. Биринчи бўлим Зарафшон тизмаси карабидофаунасининг таксономик ва эколого-фаунистик тавсифига бағишланган. Зарафшон тизмаси карабидофаунаси 9 та кенжа оила, 18 триба ва 40 та авлодга мансуб 81 та турдан иборат эканлиги аниқланган. Турларининг хилма-хиллиги бўйича Harpalinae кенжа оиласи

устунликка эга бўлиб, ушбу оила вакилларининг Зарафшон тизмасида 45 та тури тарқалган (умумий турлар хилма-хиллигининг 55,6% и). Индивидлар сони жиҳатидан Harpalinae кенжа оиласининг ҳиссаси янада юқорироқ бўлиб, барча йиғилган қўнғизларнинг 79,3 % ини ташкил этади (5-расм).



5-расм. Зарафшон тизмаси визилдоқ қўнғизлари фаунасида турли кенжа оилаларнинг турлар хилма-хиллиги (А) ва индивидлар сероблиги (В) бўйича ҳиссаси.

Зарафшон тизмаси биоценозларида визилдоқ қўнғизларнинг доминант турларига *Anchomenus dorsalis* (10.46%), *Calathus ambiguus* (8.23%), *Amara aenea* (7.48%) ва *Harpalus rufipes* (6.03%), субдоминант турларига эса *Zabrus morio* (4.77%), *Eocartermus chodshenticus* (4.54%), *Pseudotaphoxenus juvenicus* (4.47%) ва *Harpalus griseus* (4.36%) турлари киради. Энг кам сонли турларга доминантлик даражаси 0,1% дан кам бўлган *Brachinus bayardi*, *Brosicus punctatus*, *Chlaenius circumscriptus*, *Chlaenius tenuilimbatus*, *Chilotomus usgentensis*, *Craspedonotus margellanicus*, *Ditomus calydonius*, *Notiophilus sublaevis* ва *Taphoxenus goliath* турлари киради. Зарафшон тизмасининг Чахаликалон, Қоратепа ва Зирабулоқ-Зиёвуддин тоғлари карабидофаунаси хилма-хиллигида сезиларли фарқлар мавжуд. Карабидофаунанинг энг юқори хилма-хиллиги Қоратепа тоғларига хос бўлиб, 74 турдан иборат.

Хилма-хилликнинг энг паст кўрсаткичи Зирабулоқ-Зиёвуддин тоғларига тегишли (54 тур). Чахаликалон тоғлари эса оралик ҳолатни эгаллайди (66 тур). Олинган натижалар Чахаликалон ва Қоратепа тоғлари карабидофаунасининг ўхшашлиги юқорироқ эканлигини кўрсатди (Жаккар коэффициентини-0,79, Чекановский-Серенсен коэффициентини-0,89).

Ўхшашлик коэффициентининг энг паст қиймати Чахаликалон ва Зирабулоқ-Зиёвуддин тоғлари орасида кузатилди (Жаккар коэффициентини-0,64; Чекановский-Серенсен коэффициентини-0,78). Тизманинг ушбу қисмлари доминант турларининг таркиби билан ҳам бир-биридан фарқ қилади.

Бобнинг иккин бўлимида Қуйи Зарафшон географик округи карабидофаунасининг тавсифи келтирилади. Қуйи Зарафшон географик


округи биоценозлари визилдоқ қўнғизлари фаунаси 9 та кенжа оила, 18 та триба, 29 та авлодга мансуб 45 та турдан иборат. Турларининг хилма-хиллиги жиҳатидан Harpalinae кенжа оиласи яққол устунлик қилади (21 тур, карабидофаунанинг 49% и). Барча аниқланган турларининг 19% ини эса Trechinae кенжа оиласи вакиллари ташкил этди (8 тур). Карабидофануна тур таркиби трибалар кесимида таҳлил қилинганда, аниқланган турларнинг 22,2% и (10 тур) Harpalini трибаси вакиллари ҳиссасига тўғри келади. Кейинги ўринларда Vembidiini ва Lebiini трибалари жойлашади (ҳар бири 13,3%, 6 турдан). Зарафшон дарёси қуйи оқими биоценозлари карабидофаунасида *Calathus ambiguus* (20,21%), *Machozetus lehmanni* (17,44%), *Harpalus distinguendus* (16,23%), *Scarites bucida* (7,6%) ва *Machozetus concinnus* (5,35%) турлари доминант турлардир.

Қуйи Зарафшон биоценозлари карабидофаунаси таркиби экологик жиҳатдан бир-биридан кескин фарқ қилувчи ксерофил (қуруқ чўл биоценозларини ишғол қилувчи) ва мезогигрофил (суғориладиган агроценозларни ишғол қилувчи) турлар комплексидан иборат. Чўл биоценозларда сон жиҳатдан чўл зоналари учун хос бўлган авлодлар – *Megacephala*, *Scarites*, *Machozetus* ва *Dyschirius* авлодлари вакиллари устунлик қилади. Умуман, Қуйи Зарафшон чўл биоценозларидан визилдоқ қўнғизларнинг 22 та тури аниқланди. Доминант турлар *Machozetus lehmanni* (37,41%), *Scarites bucida* (16,3%), *Machozetus concinnus* (11,48%), *Scarites terricola* (9,26%), *Megacephala euphratica* (8,52%) дан иборат. Агробиоценозларда визилдоқ қўнғизларнинг 23 та тури аниқланди. Экин майдонларида доминант турлар *Calathus ambiguus* (39,8%), *Harpalus distinguendus* (21,77%) ва *Amara aenea* (5,78%) турларидан иборат бўлди.

Агроценозларда визилдоқ қўнғизлар эрта баҳордан пайдо бўлади, лекин улар сонининг сезиларли ўсиши майнинг охиридан бошлаб кузатила бошлайди. Бухоро вилояти агроценозларида визилдоқ қўнғизлар сонининг дастлабки юқори қиймати май ойининг охири ва июн ойининг бошларига тўғри келади. Лекин кейинчалик қўнғизлар сонидан яна пасайиш кузатилади. Умуман қўнғизлар сонининг максимал қиймати июн ойининг охири ва июл ойининг бошларига тўғри келади (6-расм). Туткичларга тушган қўнғизлар сони билан атмосфера физик кўрсаткичлари орасида ишончли боғлиқлик аниқланмади.

Бобнинг учинчи бўлимида Жанубий Ўзбекистон чўл биоценозлари (Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари) карабидофаунасининг тавсифи берилган. Ушбу ҳудудда 8 та кенжа оила, 20 та триба ва 39 авлодга мансуб 67 тур визилдоқ қўнғизлар аниқланган. Аниқланган турлар кенжа оилалар, трибалар ва авлодлар кесимида таксономик таҳлилдан ўтказилган.


Ҳудуд карабидофаунаси хилма-хиллигида Harpalinae кенжа оиласи яққол устунликка эга ва барча турларнинг 39 тасини (58,2%) ўз ичига олади. Кейинги ўринларда Trechinae (10 тур) ва Scaritinae (8 тур) кенжа оилалари жойлашади. Siagoninae ва Melaeninae кенжа оилаларининг тадқиқот ҳудудида фақатгина биттадан тури тарқалган.



6-расм. Агроценозларида визилдоқ қўнғизлар комплексининг мавсумий динамикаси ва унинг атмосфера кўрсаткичларига боғлиқлиги (Бухоро вилояти, Жондор тумани, 2018-2023 й)

Трибалар орасида турларининг кўплиги жиҳатидан *Harpalini* (18 тур, 26,9%), *Lebiini* (9 тур, 13,4%), *Scaritini* (6 тур, 9,0%) ва *Bembidiini* (6 тур, 9,0%) етакчилик қилишади. *Zuphiini*, *Siagonini* ва *Licinini* трибалари фақат шу ҳудудлар учун хос трибалар ҳисобланади. Чўл ҳудудлари карабидофаунаси авлодлар кесимида таҳлил қилинганда, унинг бошқа ҳудудлар билан фарқи сезиларли намоён бўлади. Чўл биоценозларида турларининг кўплиги жиҳатидан *Scarites*, *Chlaenius*, *Dicheirotichus* ва *Stenolophus* авлодлари устунлик қилади. Тоғли ҳудудлар ва воҳаларда яққол устунликка эга бўлган *Bembidion* авлодининг бу ҳудудда фақатгина 2 та тури аниқланди. Бундан ташқари, бу биоценозларда воҳа ва тоғларда қайд қилинмаган *Machozetus*, *Megacephala*, *Symbionotum*, *Siagona*, *Idiomelas*, *Liochirus* ва бошқа авлодларнинг турлари ҳам учрайди. Аксинча, чўл биоценозларида *Nebria*, *Calosoma*, *Carabus*, *Acinopus*, *Dixus*, *Harpalus* ва *Poecilus* авлодларининг турлари қайд қилинмади. Умуман, Жанубий Ўзбекистоннинг чўл ҳудудларида қайд қилинган турларнинг 23 таси бошқа тадқиқот ҳудудларида қайд қилинмади.

Бобнинг тўртинчи бўлимида Нурота давлат қўриқхонаси карабидофаунасининг таксономик таркиби келтирилади. Ўтказилган тадқиқотлар ҳамда илмий манбаларда келтирилган маълумотлар таҳлили натижасида қўриқхона карабидофаунаси 8 та кенжа оила, 19 та триба ва 47 авлодга мансуб 127 та турдан иборатлиги аниқланган. Визилдоқ қўнғизларнинг 10 та тури Нурота қўриқхонаси учун илк мартаба қайд қилинди. Турларининг хилма-хиллиги жиҳатидан *Harpalinae* кенжа оиласи яққол устунликка эга (72 тур, 56,7%). Кейинги ўринларда *Trechinae* (29 тур, 22,8%) ва *Scaritinae* (14 тур, 11,0%) кенжа оилалари жой олишган (7-расм, А).




7-расм. Нурота (А) ва Ҳисор (В) кўриқхоналари карабидофаунасида турли кенжа оилаларнинг турлар хилма-хиллиги бўйича ҳиссаси.

Қолган 5 та кенжа оилаларнинг карабидофауна хилма-хиллигидаги ҳиссалари унча катта эмас ва улар биргаликда фаунанинг 9,5% ни ташкил этишади. *Omophroninae* кенжа оиласининг кўриқхона ҳудудида фақатгина битта тури (*Omophron lumbatum*) тарқалган. Аниқланган турлар трибалар кесимида таҳлил қилинганда, етакчи трибалар *Bembidiini* (26 тур, 20,5%), *Harpalini* (25 тур, 19,7%) ва *Lebiini* (19 тур, 15,0%) трибаларидан иборатлиги аниқланди (8-расм, А). Олиб борилган тадқиқотлар натижасида кўриқхона визилдоқ кўнғизлари рўйхати 27 та турга бойитилди.

Бобнинг бешинчи бўлимида Ҳисор давлат кўриқхонаси карабидофаунасининг таксономик таркиби келтирилади. Олиб борилган илмий тадқиқотлар ва мавжуд илмий манбаларни таҳлил қилиш натижасида илк маротаба Ҳисор давлат кўриқхонаси визилдоқ кўнғизлари фаунасининг тур таркиби аниқланган ва у 9 та кенжа оила, 18 та триба ва 36 авлодга мансуб 82 та турдан иборатлиги кўрсатилган.

Турларининг хилма-хиллиги жиҳатидан *Harpalinae* кенжа оиласи яққол устунликка эга (50 тур, 61%). Кейинги ўринларда *Trechinae* (12 тур, 14,6%) ва *Carabinae* (6 тур, 7,3%) кенжа оилалари жой олишган (7-расм, В). Қолган 6 та кенжа оилаларнинг карабидофауна хилма-хиллигидаги ҳиссалари унча катта эмас ва улар биргаликда фаунанинг 17,1% ни ташкил этишади.

Кўриқхона ҳудуди баланд тоғ минтақасидан иборатлиги туфайли бу ерда бошқа ҳудудларда доминант кенжа оилалардан ҳисобланган *Scaritinae* кенжа оиласининг турлари кам (2 та тур, 2,4%). Аксинча, вакиллари тоғли минтақаларда кенг тарқалган *Harpalinae* ва *Carabinae* кенжа оилалари ҳиссаси ошади. Кўриқхона карабидофаунасининг таксономик таркиби трибалар кесимида таҳлил қилинганда, турларининг хилма-хиллиги бўйича устунлик *Harpalini* трибасига тўғри келади (19 тур, 23,2%) (8-расм, В). Кейинги ўринларни *Bembidiini*, *Pterostichini* ва *Zabrini* трибалари эгаллайди. Авлодлар орасида вакиллари кўплигига кўра *Harpalus* авлоди устунликка эга (9 тур). *Amara* ва *Bembidion* авлодлари ҳудудда 7 тадан турга эга. Таъкидлаш жоизки, Ҳисор кўриқхонасида учрайдиган 14 та тур бошқа ҳудудларда қайд қилинмаган.




8 - расм. Нурота (А) ва Ҳисор (В) кўриқхоналари карабидофаунасида турли трибаларнинг турлар хилма-хиллиги бўйича ҳиссаси (% ҳисобида)

Бобнинг олтинчи бўлимида Марказий ва Жанубий Ўзбекистон турли ҳудудлари карабидофаунасининг қиёсий таҳлили келтирилган. Тадқиқот олиб борилган ҳудудлар орасида турларнинг энг юқори хилма-хиллиги Нурота кўриқхонасига талукли бўлиб, 127 турни ташкил этди. Зарафшон тизмаси ва Ҳисор кўриқхонасида карабидофауна хилма-хиллиги деярли бир хил кўрсаткичга эга (81 ва 82 тур). Энг камбағал карабидофауна Қуйи Зарафшон ҳудудига таалукли бўлди (45 тур). Лекин турли ҳудудлар фаунасининг ухшашлик ёки фарқлари ҳақида турлар сонига қараб хулоса қилиб бўлмайди. Бу ерда ҳар бир ҳудуд учун ўзига хос бўлган ҳамда турли ҳудудлар учун умумий бўлган турлар сонини аниқлаш муҳим ҳисобланади. Тадқиқот ҳудудлари орасида кўриқланадиган ҳудудлар Нурота ва Ҳисор кўриқхоналари энг кўп умумий турларга эга – 54 тур. Шунингдек, Ҳисор кўриқхонаси ва Зарафшон тизмаси 51 та умумий турга эга. Бу жиҳатдан энг паст кўрсаткич Ҳисор кўриқхонаси ва Жанубий Ўзбекистоннинг чўл биотоплари орасида бўлиб, бу икки ҳудуд учун умумий турлар сони 13 та ташкил этади. Ўрганилган ҳудудлар фаунасини ўхшашлигини аниқлаш мақсадида кенг тарқалган бир нечта ўхшашлик коэффициентлари ҳисоблаб топилган (2-жадвал). Чекановский – Серенсен коэффициентининг энг юқори қиймати Зарафшон тизмаси ва Ҳисор кўриқхонаси орасида бўлиб, 0,63 ни ташкил этади. Энг кам ўхшашлик эса Ҳисор кўриқхонаси билан Жанубий Ўзбекистон чўл биоценозлари орасида кузатилади (0,17). Бошқа ўхшашлик индекслари (Жаккар коэффициенти, Kulchinskiy ва Ochiai индекслари) қийматлари ҳам олинган натижаларни тасдиқлайди. Турли ҳудудлар карабидофаунаси ўхшашлигининг график тасвири 9-расмда тасвирланган.

Ҳисор кўриқхонаси ва Зарафшон тизмаси фауналари бир-бирига яқин, Жанубий Ўзбекистоннинг чўл биотоплари фаунаси эса Қуйи Зарафшон фаунасига ўхшаш. Нурота кўриқхонаси фаунаси эса Ҳисор кўриқхонаси - Зарафшон тизмаси фауналарига яқин ҳисобланади.

**Тадқиқот ҳудудлари карабидофаунасининг ўхшашлик индекслари
(Чекановский-Серенсен \ Жаккар коэффиценти)**


Тадқиқот ҳудудлари	Зарафшон тизмаси	Нурота кўриқхонаси	Ҳисор кўриқхонаси	Қуйи Зарафшон	Жанубий Ўзбекистон чўл биоценозлари
Зарафшон тизмаси	1	0.29	0.46	0.25	0.12
Нурота кўриқхонаси	0.45	1	0.35	0.15	0.18
Ҳисор кўриқхонаси	0.63	0.52	1	0.20	0.10
Қуйи Зарафшон	0.40	0.27	0.33	1	0.26
Жанубий Ўзбекистон чўл биоценозлари	0.22	0.31	0.17	0.41	1



